Совет Ўзбакистони · 1978 · I–III ·

# УЛУҒ АЙЁМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 1 (16.994). • 1 январь 1978 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.




# СОВЕТ ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИКНОМАСИ

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Яна бир неча дақиқадан сўнг янги, 1978 йил бошланади.

Совет кишилари 1977 йилни Советлар мамлакатининг шонли зафарлари учун ҳаққоний ифтихор туйғуси билан кузатиб қолмоқдалар. Бу йил мамлакат ҳаётига, ҳар бир совет кишисининг тақдирига СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинган йил бўлиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги нишонланган йил бўлиб кирди.

Дунёда биринчи умумхалқ давлатининг Конституцияси озодлик, демократия, социал адолат буюк принципларини ўзида мужассамлаштирди, коммунизм қурилиши даврининг ҳақиқий манифести бўлди. Ленин Ватани ижтимоий тараққиёт, тинчлик учун, инсон бахт-саодати учун курашда пешқадамлик қилмоқда.

Совет халқи Октябрь эрасининг еттинчи ўн йиллигига куч-қудрати, ғайрати барқ уриб яшнаган ҳолда умидворлик билан қадам қўйди. Социалистик саноатимиз ва қишлоқ хўжалигимиз муттасил ўсиб, такомиллашмоқда, фан ва техника муваффақиятли ривожланмоқда, совет кишиларининг маънавий ҳаёти тобора сермазмун бўлиб қолмоқда. Халқ фаровонлиги ошмоқда.

Мамлакатимизнинг барча муваффақиятлари — партиянинг ленинча йўли тўғрилигининг ишончли далилидир, совет кишилари — ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, аҳил қардошлик оиласига жипслашган ҳамма миллат ва элат меҳнаткашлари қилган фидокорона ишнинг натижасидир. СССРнинг янги Конституциясида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг СССР Конституцияси лойиҳаси тўғрисидаги, Улуғ Октябрнинг юбилейи ҳақидаги докладларида партия билан халқнинг революцион-ўзгартувчилик фаолиятида эришилган буюк муваффақиятлар яққол ва ишонарли тарзда тасвирлаб берилди, олға томон қиладиған ҳаракатимизнинг равшан ,илҳомбахш истиқболлари кўрсатилди, ривожланган социализм шароитида коммунистик қурилиш вазифалари таърифлаб берилди. Марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб қўшилган бу ҳужжатлар халқнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада юксалтириб юборди, халқ Коммунистик партиянинг, Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқда.

Зарбдорларча ижодий меҳнат қилаётганларга, социалистик Ватаннинг моддий ва маънавий бойликларни кўпайтираётганларга шон-шарафлар бўлсин! Шубҳа йўқки, совет кишилари Ленин партияси XXV съездининг, партия Марказий Комитети декабрь Пленумининг тарихий қарорларини бажара бориб, юбилей социалистик мусобақасининг меҳнат жўшқинлиги ва маромини мустаҳкамлаб, янада ривожлантирадилар, 1978 йил ҳам зарбдор меҳнат йили бўлиб қолиши учун ҳамма ишларни қиладилар.

Ўртоқлар! Ўтган йилда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қардошларча бирлиги янада мустаҳкамланди, уларнинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун курашда биргаликда сарфлаётган куч-ғайратлари активлашди. Совет Иттифоқининг халқаро позициялари мустаҳкамланмоқда, Ватанимиз кескинликни юмшатишни янада чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасини жиловлашга, ялпи тинчликни маҳкамлашга интилиб қилган конкрет таклифлар барча қитъалардаги жамоатчилик томонидан тобора кучлироқ қўллаб-қувватланмоқда.

Биз қардош социализм мамлакатларининг меҳнаткашларига, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати сафларида курашаётган барча кишиларга, прогрессив ривожланиш йўлига ўтган ёш мустақил давлатларнинг халқларига, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун, империализмга, ирқчиликка, реакция ва урушга қарши курашаётган жамики меҳнат аҳлига, соф ниятли кишиларга сидқидилдан янги йил қутловларини йўллаймиз!

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети барча совет кишиларини — ишчиларни, колхозчиларни, совет зиёлиларини бошланаётган янги йил билан астойдил табриклайдилар! Биз революция, уруш ва меҳнат ветеранларини, ажойиб хотин-қизларимизни, шонли ёшларимизни, Совет Қуролли Кучларининг шавкатли жангчиларини табриклаймиз! Шу янги йил кечаси меҳнат постида турганларга, Ватаннинг муқаддас чегараларини жанговар вахтада туриб ҳимоя қилаётганларга оташин қутловлар йўллаймиз!

Ҳар бир хонадонга шоду-хуррамлик ва бахт-саодат тилаймиз!

Ер юзидаги тинчлик метиндек мустаҳкам бўлсин!

Азиз ўртоқлар, сизларга сиҳат-саломатлик ва меҳнатда, ўқишда, ижодда янгидан-янги муваффақиятлар, ҳаётингизда бахт-саодат тилаймиз!

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, сизларга бахт-иқбол ёр бўлсин!

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ** — **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** — **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгашининг ва Министрлар Кенгашининг Раиси ўртоқ ФИДЕЛЬ КАСТРО РУСга**

Азиз ўртоқ Фидель Кастро!

Миллий байрам — Озодлик куни муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва бутун совет халқи Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Куба Республикасининг Давлат Кенгаши ва Министрлар кенгашига, қардош Куба халқига қизғин салом ва самимий қутловлар йўллайдилар.

Совет кишилари сизнинг мамлакатингизга озодлик, мустақиллик ва социализм йўлини солиб берган, Америка тарихида янги саҳифа очган буюк воқеа — Куба революциясига ҳурмат бажо этадилар. Биз ҳаммамиз Куба меҳнаткашларининг ана шу 19 йил мобайнида Коммунистик партия раҳбарлигида қилган ишларига ўртоқларча қувонамиз, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги, маданиятни ва халқ фаровонлигини юксалтиришдаги, ёшларнинг янги, социалистик авлодини тарбиялаб етиштиришдаги мувафақиятларингизга қувонамиз. Ана шу ажойиб муваффақиятлар марксизм-ленинизм ғояларининг қудратли кучини яққол исботлаб турибди, мустақиллик ва яхши келажак учун курашаётган халқларни ва аввало Латин Америкаси халқларини руҳлантирмоқда.

Совет Иттифоқи билан Куба коммунистик идеаллар туфайли, жамиятни меҳнат аҳлининг бахт-саодати йўлида революцион ўзгартиришдаги мақсадларнинг муштараклиги туфайли метиндек бирлашганлар. Куба халқи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини ўз байрамидек нишонлаганлиги Советлар мамлакати меҳнаткашларини ғоят мамнун этди. Пролетар интернационализми улуғ принципларига асосланган ана шу дўстлик ва ҳамкорликни биз муштарак ишимизнинг тантанасини кўзлаб ардоқлаймиз ва кўпайтирамиз

Социализмнинг халқаро позицияларини мустаҳкамлаш учун, империалистик жабр-зулм ва эксплуатация сиёсатига қарши курашда, халқларнинг эркин, мустақил ривожланишдан иборат дахлсиз ҳуқуқини ҳимоя қилишда партияларимиз, ҳукуматларимиз ва халқларимизнинг бирлиги ҳамда жипслигини мамнуният билан қайд этамиз. Куба, унинг актив ташқи сиёсати социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг тинчликни мустаҳкамлашга, халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштиришга қаратилган ялпи куч-ғайратларига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Озодлик кунини сизлар билан бирга нишонлар эканмиз, Сиз, азиз ўртоқ Фидель Кастрога, бутун қардош Куба халқига Куба Коммунистик партияси I съездининг социалистик жамият қуриш борасида ўртага қўйган вазифаларини бажаришда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Бузилмас Совет — Куба дўстлиги мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!

Янги, 1978 йил муносабати билан Куба халқига катта бахт ва равнақ тилаб билдирилган самимий истакларимизни қабул этгайсиз.

**Л. БРЕЖНЕВ.** **А. КОСИГИН.**

# МЕҲНАТ ҒАЛАБАНГИЗ, МУБОРАК!

БУХОРО, 31 декабрь. «Ҳамза-2» насос станцияси олдидаги майдонда Бухоро области меҳнаткашлари вакилларининг Аму—Бухоро канали иккинчи навбатининг қурилиши тугаллanганлигига ва фойдаланиш учун топширилганлигига бағишланган митинги бўлиб ўтди.

Митингни Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов очди. «Амубухараканалстрой» бошқармасининг бошлиғи Н. Карякин, экскаваторчилар бригадасининг бошлиғи , Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Журавлёв ва бошқалар сўзга чиқиб, гидроқурувчилар ва монтажчиларнинг, асрлар давомида қақраб ётган ерга оби-ҳаёт берган барча кишиларнинг фидокорона меҳнати ҳақида фахрланиб гапирдилар. Нотиқлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш тўғрисида, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш ҳақида жуда катта ғамхўрлик қилаётганликлари учун жонажон Коммунистик партияга ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга миннатдорчилик изҳор этдилар.

Бўлиб ўтган митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбонов нутқ сўзлаб, қурувчиларни ғалаба билан табрикладилар.

Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома қабул қилдилар.

**А. ФОЗИЛОВ,**
ЎзТАГ мухбири.

# «САЛЮТ-6»: ОРБИТАДА ЯНГИ ЙИЛ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 31 декабрь (ТАСС). «Салют-6» станциясининг экипажи тугаётган 1977 йилнинг сўнгги кунида уч ҳафтадан буён Ер атрофи орбитасида олиб бораётган ишларини тамомламоқда. Учишни бошқариш маркази мутахассислари радио алоқаси ўрнатилган биринчи эрталабки сеансда космонавтлар Юрий Романенко билан Георгий Гречкони кириб келаётган янги йил билан қутладилар.

Бугунги кун программасига медицина назорати, велоэргометрда ва югурувчи йўлкада жисмоний машқлар ўтказиш киритилган. Космонавтлар орбитадан телевизион репортажлар бермоқдалар, ер юзасини кузатмоқдалар.

Орбитал станция экипажи янги йилни Чукотка аҳолиси билан бирга кутиб олди. Станция янги йил «зонаси»га Москва вақти билан соат 14 дан 40 минут ўтганда биринчи марта кирди. «Салют-6» станцияси 1978 йил 1 январь Москва вақти билан ноль соат ноль минутда Ҳимолай тоғлари устида бўлади.

Станция экипажи совет кишиларига, бутун планетамиз халқларига янги йил қутловларини юборди. Юрий Романенко билан Георгий Гречко Ер юзидаги кишиларга мустаҳкам тинчлик ва катта шахсий бахт-саодат тиладилар.

# ДИЛДАГИ ЎЙЛАР

**УЙҒУН,**
Ўзбекистон халқ шоири.

Янги йил киради дабдаба билан,
Инсонларни меҳнат, тинчликка чорлаб.
Шонли ўлкамизга кирар янги йил
Баҳор каби яшнаб, қуёшдай порлаб.

Чунки, кундай равшан келажагимиз,
Чунки, баҳор каби яшнар бахтимиз.
Биз тинчликсеварлар — янги йилда ҳам
Тинчлик, омонликни сақлаш аҳдимиз...

Конституция қабул қилинган,
Октябрь олтмишга тўлган эзгу йил,
Алал-абад қолур хотирамизда,
Октябрь нуридан жилоланди дил.

Ўтган йил уйилган олтин хирмонлар
Кўз ўнгида порлаб турибди ҳамон.
Ҳеч вақт чиқармиди халқнинг ёдидан
Бизга сонсиз зафар келтирган замон!

Мамнун бўлсак арзир замонамиздан,
Бахту иқбол берди бизга замона.
Октябрь нуридан мунаввар эрур
Ҳар шаҳар, ҳар қишлоқ ва ҳар бир хона.

Мардлар ҳушёр турар тинчлик постида,
Жаҳон ҳаловати бузилмасин деб.
Бутун чораларни кўрамиз: дўстлик,
Ҳамкорлик иплари узилмасин деб.

Кўкка парвоз этган космик кемалар
Далолат беради қудратимиздан.
Ленин таълимоти ўргатган бизни.
Дўстларга хиёнат бўлмайди биздан...

Қор ёғди, кумушга ўралди боғлар,
Шудгорни қоплади барака қори.
Янги бахт, янги шон келтирур бизга
Янги йилимизнинг янги баҳори.

Миришкорлар ишлар ҳосил ишқида,
Халқимиз Ватаннинг бойлигин чоғлар.
«Оқ олтин»га тўлар саҳий далалар,
Гул билан қопланур чаманлар, боғлар...

Инқироз, ишсизлик кучайган ерда
Бало-қазо кезар бўридай тўп-тўп.
Янги йилни алам, ғам билан йиғлаб
Кутиб оладиган бечоралар кўп...

Улар капиталнинг исканжасида
Эзилган, хору-зор, ҳуқуқсиз зотлар.
Улар кафангадо, келажаги йўқ,
Улар ўз юртида бегона, «ётлар».

Уларнинг эртаси ўтмишдан мудҳиш,
Улар янги йилдан нима ҳам кутар.
Уларга янги йил янги бахтсизлик,
Уларни ҳалокат аждари ютар...

Яна уришқоқлар янги қуроллар,
Нейтрон бомбалар ишлаш пайида!
Йўл қўйманг, шум ният аждаҳоларга!
Улардан тинчликка не наф, не фойда!

Инсон ҳуқуқи, — деб бақирар, вайсар
Инсон ҳуқуқини топтаган зотлар.
Океан ортидан беўхшов ғингшир
Иккиюзламачи хонасалотлар!

Аммо, алдай олмас ҳеч кимни улар
Машъум ниятини қилса ҳам баён.
Қай ерда барқарор инсон ҳуқуқи,
Қай ерда инсон ҳур — ҳаммага аён!

Конституция саҳифалари
Инсон ҳуқуқини акс этар яққол.
Ҳаққи-ҳуқуқимиз таъмин этилган,
Шунинг учун равшан бизга истиқбол.

Янги йилдан бизнинг тилагимиз кўп:
Бу йил ҳам мўл бўлсин пахта ҳосили,
Бу йил ҳам ишимиз ўнгидан келсин,
Бу йил ҳам аталсин: «зафарлар йили!»

Кексалар савлати, ёшлар давлати
Безак бўлиб турсин Ватанга ҳамон.
Истағимиз бўлсин: эл фароғатда,
Оналар бахтиёр, гўдаклар омон!..

Қўлимизда Ленин тутқизган байроқ,
Улуғ партиямиз раҳнамо, раҳбар.
Амалга ошади буюк режалар,
Бизга ёр бўлади бу йил ҳам зафар.

Ватандошлар сизни янги йил билан
Ва янги бахт билан қутлаймиз яна.
Ишончимиз комил тинчлик ғояси
Бутун дунё бўйлаб қилур тантана!

Янги йилни қутлаб кўтаринг қадаҳ,
Қадаҳлар жаранги самога етсин!
Шону шуҳратимиз, ғалабамизнинг
Довруғи оламга таралиб кетсин!

Коммунизм сари борар халқимиз,
Олға қадам ташлаб толмай, тўхтамай.
Улуғ партиянинг шарафи учун,
Ватан бахти учун сипқарилсин май!

## ЮКСАК УНВОН МУБОРАК



СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**ЎРТОҚ Д. Ғ. АБДУРАҲМОНОВАГА СССР ХАЛҚ АРТИСТИ ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Совет музика санъатини ривожлантиришда эришган катта ютуқлари учун А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрининг бош дирижёри ўртоқ Дилбар Ғуломовна Абдураҳмоновага СССР халқ артисти фахрий унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
**Л. БРЕЖНЕВ.**
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
**М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль.
1977 йил 30 декабрь.

